# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-YIL 10-FEVRAL, SESHANBA, 17 (8410)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





**Бугунги кунда томорқачиликнинг жадал ривожланиши одамларнинг фаровон турмуш кечириши, қўшимча даромад олиши, озиқ-овқат мўл-кўлчилигига эришиш, оилаларнинг моддий таъминоти яхшиланиши ва, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этяпти.** 2





**Чорвачиликнинг ҳар бир тури учун масъулиятли давр бўлади. Қўйчиликда, жумладан, республикамизда яхши ривожланган қоракўлчиликда шундай ўзига хос масъулиятли давр – тўл, яъни қўзилатиш мавсуми ҳисобланади. Уни муваффақиятли ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.** 3





**Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда “Асака” банк биринчи ўринни эгаллади. Банк томонидан ҳозирги кунда мижозлар учун миллий ва хорижий валюталарда қулай шартлардаги 90 дан ортиқ турдаги омонатлар жорий этилган.** 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


Наманган Вилояти



МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА





Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# ҚУЁШНИНГ БЕЗАВОЛ НУРЛАРИ

## ЭНДИ ТУНДА ҲАМ ҲАЁТИМИЗНИ ЧАРОҒОН ЭТМОҚДА

**Ҳозирги даврда қуёш ва шамолдан энергия олишга нефть ҳамда газ каби ёқилғи ресурсларининг стратегик муқобили сифатида қаралмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлаётгани билан аҳамиятлидир.**

Мазкур ҳужжатларда муқобил энергетика соҳасига оид илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, қонунчиликни такомиллаштириш, энергия ишлаб чиқарувчилар ва ундан фойдаланувчиларга солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бериш кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси томонидан қайта тикланадиган энергия манбалари жадал суръатлар билан жорий этилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш режалаштирилмоқда. Шу тариқа йилига бир миллиарддан ортиқ кубометр табиий газни тежаш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфини 13 фоизга, атмосферага чиқадиган зарарли моддаларни 10 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда.

Яқинда Наманган вилояти Поп туманида қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Янгиобод қишлоғида қурилган ушбу иншоот Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ўзаро мустаҳкамланиб бораётган илмий-амалий ҳамкорлиги сарасидир.

Замонавий электр станциясининг қурилиш ва монтаж ишлари “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси ҳамда Жанубий Корея мутахассислари иштирокида “Электрқишлоққурилиш” ОАЖнинг 11-жамланмаси бош пудратчилигида бажарилди. Бу ерда умумий қуввати 130 киловатт бўлган беш турдаги қуёш батареяли панеллар синов тариқасида ўрнатилди ва дастлабки энергияни бера бошлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида жойлашган қишлоқларда қуёш ва шамол асосида ишлайдиган замонавий технологияларнинг кенг қўлланилаётганлиги қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саидодил САИДИСЛОМОВ**




Навоий Вилояти

## ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган бир қатор мақсадли ва манзилли дастурлар қабул қилиниб, бу борадагиислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда БМТ тараққиёт Дастурининг “Зарафшон дарё ҳавзаси учун сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш ва тежаш режаси” қўшма лойиҳаси доирасида Кармана тумани “Сувоқова” корхонаси қошида аҳолига хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш маркази ишга тушди. Қолаверса, корхонада хизмат кўрсатишда янги усуллар жорий этилмоқда. Унга кўра, ишлатилган ичимлик суви истеъмолининг тўлови электрон тарзда олиб бориладиган бўлди. Эътиборлиси, аҳолига ичимлик суви етказиб беришда фойдаланилаётган насослар қуёш батареялари қуввати билан ишлайди.

– Лойиҳа амалга ошгач, сув ҳавзаларидан обиҳаёт тортиб олишга сарфланадиган катта миқдордаги электр энергияси тежаб қолинади, – дейди Кармана тумани сувоқава ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бекмурод Тошев. – Шу билан бирга, атроф-муҳит мусаффолиги ҳам таъминланади.

**Дилшод МАМАРАЖАБОВ**

Сирдарё Вилояти

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

*Сардоба туманидаги “Пахтаобод” пахта тозалаш заводи жамоаси ўтган йилнинг кузида тумандаги фермер хўжаликларидан 20 минг 517 тоннадан ортиқ сара хомашё қабул қилиб олганди. Айни пайтда кунига 150-160 тонна пахта қайта ишланиб, улардан 50-55 тонна сифатли тола олинмоқда.*

– Ҳосилнинг 85 фоизи биринчи навларга қабул қилинганлиги учун ҳам пахтадан тола чиқиши юқори кўрсаткични ташкил этяпти, – дейди корхона раҳбари ўринбосари Эсонбой Ҳусанбоев. – Ҳозиргача 70 фоиз пахтани қайта ишлаб, олинган толанинг асосий қисмини экспортга жўнатдик. Заводда модернизациялаш ишларининг амалга оширилиб, пахтани қайта ишлашда қисқа технологиялардан фойдаланилаётганлиги электр энергияси сарфини 25-30 фоизга қисқартиришга, боғлов симлари сарфини 15 фоизга камайтиришга имкон беряпти.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Хоразм Вилояти

## САЁТНИНГ ГЎЗАЛ ГУЗАРИ

*Хива тумани Саёт қишлоғининг Гавдан маҳалласида янги гузар фойдаланишга топширилди.*

Замонавий кўринишда бунёд этилган мазкур гузар биноси қурилиши ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар маблағи эвазига амалга оширилди. Гузар лойиҳасини тайёрлашда мавжуд кундалик эҳтиёжлардан келиб чиқиб, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда бу ерда тўйхона, ошхона, савдо маркази, тикувчилик цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Гузарнинг ишга туширилиши натижасида 20 нафарга яқин қишлоқ ёшлари доимий иш ўрнига эга бўлдилар.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.*

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари – съезд ёки қурултойи томонидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёнини якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

**ЎзА**

Самарқанд Вилояти

## МУТАСАДДИЛАР АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида округ ҳудудидаги сайлов участкаларида коммунал хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тегишли идоралар раҳбарлари ахбороти тингланди.*

“Марказгазтаъминот” унитар корхонаси, “Самарқанд электр тармоқлари” акциядорлик жамияти, вилоят “Сувоқова” ишлаб чиқариш давлат корхонаси раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Маълум қилинишича, айни пайтда вилоятдаги 957 сайлов участкасининг барчасида сайловни юксак савияда ўтказиш юзасидан мазкур соҳалар мутасаддилари томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, айни пайтда сайлов участкалари жойлашган биноларнинг электр, газ ва сув таъминоти ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаётир.

Мажлисда сайлов участкаларини Марказий сайлов комиссияси талаблари асосида тайёрлаш, зарур жиҳоз ва воситалар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг комиссия аъзолари томонидан ўрганилиши натижалари ҳам таҳлил этилди.

Йиғилишда комиссия ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ғ.ХАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 574 ЙИЛЛИГИ

# НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

***9 – февраль буюк мутафаккир, давлат арбоби, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кун. Бу қутлуғ сана ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади.***

Бу йил ҳам пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи эрта тонгдан турли вазирлик ва идоралар ходимлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари, навоийшунос олимлар, илм-фан, ижод аҳли билан гавжум бўлди. Бу ерда улуғ бобокалонимизнинг 574 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим О.Давлатов, ёш шоир Ш.Салом ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк мутафаккирнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва уни жаҳонга тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этишди. Таъкидландики, ўзининг ўлмас асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк шоирнинг ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишида тутган ўрни ва роли ғоятда муҳимдир.


**(Давоми 2-саҳифада)**






Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

**(Боши 1-саҳифада)**

Навоий нафақат ижодкор сифатида, балки эл-юрт фаровонлиги, мамлакат ободлиги, миллат равнақи учун кўплаб эзгу ишлар қилган буюк мутафаккирдир.

Аллома ижодининг асрлар давомида барҳаётлиги шундаки, у буюк қалб эгаси, серқирра ижод соҳиби. Унинг асарларини ўқиган инсон ўзлигини топади. Навоийнинг ижоди шундай бир уммонки, унинг қаъридаги дуру жавоҳирлар бундан кейин ҳам бутун дунё аҳлини ўзига тортиб тураверади.

Орадан қарийб олти аср ўтган бўлсада, шоир асарларида мадҳ этилган инсонпарварлик, адолат, меҳр-муҳаббат, халқлар ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, ота-онага ҳурмат, Ватанга садоқат, камтарлик, муҳтожларга мурувватли бўлиш, очиққўнгиллилик каби юксак инсоний туйғулар, олийжаноб фазилатлар бугунги кунимиз учун ҳам бирдай қадрлидир.

Тадбир давомида Навоий ижодидан намуналар ўқилиб, унинг ғазалларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

– Мен Навоий ижодини жуда катта қизиқиш билан ўрганяпман, – дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Замона Худойбердиева. – Жаҳон адабиёти намояндаларининг буюк бобокалонимиз ҳақида билдирган қимматли фикрлари менда катта таассурот қолдиради. Биз ана шундай алломаларнинг давомчилари эканимиздан фахрланишимиз ва уларга муносиб ворис бўлишга интилишимиз керак.

Тадбир иштирокчилари Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

* * *

Буюк шоирга эҳтиром кўрсатиш, миллат учун қайғурган, ўз тақдирини миллат тақдири билан чамбарчас боғлаб, шу йўлда фидойилик кўрсатган бобокалонимизнинг хотирасини дилларда сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира ҳам бўлиб ўтди. Буюк мутафаккирнинг бетакрор шеърлари, ўлмас рубоийлари, ёр васлини тараннум этувчи нафис ғазаллари ўқилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, навоийшунос олим Ҳ.Болтабоев, шоира Ф.Афрўз ва бошқалар Навоийнинг улкан маънавий мероси ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шоирнинг асарлари асрлар давомида маънавият ва адабиёт оламини чароғон этиб, ёрқин нур сочиб тураверади.

* * *

"Туркистон" санъат саройида эса буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган "Назм ва наво кечаси" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ ёзувчи, шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Навоий яратган ўлмас асарларнинг инсоният тарихида тутган ўрни, ёшлар тарбиясидаги беқиёс аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Эл суйган санъаткорлар ижросида Навоий ғазаллари асосида қўшиқлар куйланди. Шунингдек, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий ва амалий санъат, Навоий асарлари ва навоийшунослик китоблари кўргазмаси ташкил этилди.

**Инобат МАТЁҚУБОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.**

# ТОМОРҚА – ТЎКИНЛИК ВА БАРАКА МАНБАИ

***Бир ҳамқишлоғимиз бор. Уни Фахриддин муаллим дейишади. Мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Анчайин қаттиққўл, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган фидойи устозлардан бири. Шу боис ҳам кўпчилик ота-оналар мактаб остонасига қадам қўяётган фарзандларини унга шогирдликка беришга ҳаракат қилади. Бу, албатта, унинг ўз касбига содиқлиги, меҳр қўйганидан далолатдир. Бу хусусда кўп ва хўб гапириш мумкин. Лекин ҳозир биз уйда ҳам, ишда ҳам бирдек талабчан бу инсоннинг бошқа бир ҳислатига тўхталиб ўтмоқчимизки, бу ҳам мақтовга, эътирофга арзигуликдир.***



Фахриддин ака ҳақиқатан ҳам кенг фикрли, тиниб-тинчимас, астойдил меҳнат қилиб фаровон турмуш кечираётган бахтиёр юртдошларимиздан. Ҳовлисида каттагина томорқаси бор. Кўриб ҳавасингиз келади. Ҳамма нарса батартиб. Ҳар қаричидан унумли фойдаланади. Тангадай жойни ҳам бўш қолдирмайди. Мева-чевадан тортиб тарвуз-қовунгача етиштиради.

Полвонкелбат бу одамнинг икки ўғли ҳам жуда меҳнатсевар. Улар отасининг қаватида туриб томорқа ишларига қарашади.

– Болани ўз вақтида меҳнатга ўргатиш керак, – дейди Фахриддин ака. – Жисмоний меҳнат болани ҳар жиҳатдан чиниқтиради. Ҳаётни севишга, олдинга интилишга ундайди. Қолаверса, бекорчидан худо безор, деган гап бор. Кўп ёмон иллатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Фарзандларимнинг билим олишидан тортиб, атрофидаги тенгқурларигача кузатаман.

Дарҳақиқат, ишбилармон, тадбиркор, тиниб-тинчмас бу инсон фарзандлари тарбиясига ҳамиша ўта муҳим масала сифатида қарайдики, бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фахриддин аканинг боғида узумнинг оқ ва қора кишмиш, чилги, туятиш, тойифи, ҳусайни сингари навлари парваришланиб, узумлар кўриниши жиҳатидан ҳам, мазалилик бобида ҳам ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Тоғ-тошлар оралаб келаётган тип-тиниқ булоқ сувидан баҳра олган, эътибор ва меҳрдан яшнаётган боғ саховатини аямайди. Мўл-кўл ҳосил беради. Айниқса, қора кишмиш ҳосилидан келаётган даромад салмоғи анча юқори бўлиб, оила бюджетининг мустаҳкамланишига хизмат қиляпти. Фахриддин ака қора кишмишни узумлигича сотмайди. То шира бойлаб, тўла пишиб етилгунча кутади. Шундан сўнг узиб, соя жойда қуритади. Бу сояки майизнинг таъми оғзингизда қолади. Фахриддин ака майиздан оиласи учун етадиганини қолдиради. Асосий қисмини уйда, майизфурушларга кўтарасига пуллайди. Худди шунингдек, ёнғоқ, ўрик, олма сингари қатор мевали дарахтлардан ҳам мўл ҳосил етиштиради. Эътиборли жиҳати, томорқасидаги ҳеч бир нарса бекор кетмайди. Кўп жойларда кўрганимиз — мевалар тагига тушиб, оёқости бўлиб ётмайди. Териб олиниб, туршак, олмақоқи, тутмайиз қилинади. Қишга анчагина ёнғоқ ҳам ғамланади. Бундан ташқари, турли сабзавоту полиз маҳсулотларигача томорқасидан чиқади. Эҳтёждан ортганини бозорга чиқаради.

Сирасини айтганда, Фахриддин ака ўз томорқасидан унумли фойдаланиб, рўзғори бутлигини, дастурхони тўкин-сочинлигини таъмин этяпти. Бу албатта, унинг оиласи мустаҳкамлигига, фарзандларининг илиги тўқ бўлиб ўсишига хизмат қилаётир.

Қувонарлиси, юртимизда бундай оилалар кўп. Улар томорқасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини-ўзи тўла таъминлабгина қолмай, эҳтиёжидан ортганини бозорга чиқаряпти. Бугунги кунда томорқачиликнинг жадал ривожланиши одамларнинг фаровон турмуш кечириши, қўшимча даромад олиши, озиқ-овқат мўл-кўлчилигига эришиш, оилаларнинг моддий таъминоти яхшиланиши ва, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этяпти.

Кундалик ҳаётимизда, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортишида, бозорларимиз тўкин-сочинлигида томорқачиликнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис ҳам ушбу масалага Ўзбекистон мустақиллигига эришиш арафаларидаёқ жиддий эътибор қаратилди.

Бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилган, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилган эди.

Дарҳақиқат, ўша кезлардаёқ мазкур масалага устувор масала сифатида қаралиб, энг тўғри ва оқилона йўл тутилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида туб бурилиш ясади. Шу орқали кўплаб одамларнинг яшаш тарзи ўзгарди. Дунё миқёсида озиқ-овқат танқислиги тобора кучайиб бораётган бир пайтда, бу масаланинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун юртдошларимиз томорқаларида етиштирилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорларимизни тўлдиряпти, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу, албатта, томорқаларнинг тўкинлик, қут-барака манбаи сифатида турмуш фаровонлигимизнинг ортишига хизмат қилаётганидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, томорқа бу хазина. Хазина калити эса астойдил меҳнат, тадбиркорлик натижасида қўлга киритилади.

**Раимкул СУЯРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

АНЖУМАН

# ТАДБИРКОР ҲАМ ТАБИАТНИ АСРАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда хусусий тармоқ вакиллари учун Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш – барқарор тадбиркорлик ривожланишининг омили мавзусида анжуман ўтказилди.**

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог мутахассислар, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этган тадбирда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида иқтисодий механизмларни амалга ошириш, яъни экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг давлат тизими билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, маҳсулот таннархини камайтиришга кўмаклашувчи омиллар, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида саноатга кам чиқитли ва экологик хавфсиз, ресурстежамкор технологияларни жорий этишда тадбиркорлик субъектларининг хабардорлигини ошириш анжуманнинг асосий мавзуси бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида иштирокчиларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби ҳамда тизимда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг "Ягона ойна" тамойили асосида амалга оширилиши тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Семинарда экологик сертификатлаштириш, стандартлаштиришнинг асосий қоидалари, экологик менежментни татбиқ этишга йўналтирилган экологик аудит ҳамда ташкилий-иқтисодий воситалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди. Корхона ва ташкилотлар вакилларини қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

**Озод ОЧИЛОВ**

Бухоро Вилояти

*Ғиждувон давлат ўрмон хўжалиги жамоаси ўтган йилда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Мавжуд 14 гектар кўчатзорда етиштирилган 1 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатларнинг асосий қисми ўрмонлар яратиш мақсадида очиқ майдонларга ўтказилди ҳамда шартнома асосида ташкилот ва корхоналарга етказиб берилди. Бундан ташқари, бир ярим минг гектар майдонда янги саксовулзор барпо этилди.*

## ШИЖОАТИ БАЛАНД ЎРМОНЧИЛАР

Хўжаликда етиштирилаётган қайрағоч, садақайрағоч, можавелник каби манзарали дарахт ҳамда 10 турдан ортиқ гул кўчатларига талаб катта. Шу боис, бу турдаги кўчатлар салмоғини янада кўпайтириш мақсадида иш олиб бориляпти.

Хўжалик ўрмончилари ҳар бир қарич ер ва мавжуд бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишнинг ҳадисини пухта эгаллашган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили 100 тоннадан зиёд полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирилди. Хўжалик ихтиёридаги 186 та асалари оиласидан 1600 килограмм асал олинди. 400 бош парранда ҳам ўрмончилар учун яна бир даромад манбаи саналади.

**Ҳамроз АЛИ**

Фарғона Вилояти

*Фарғона вилояти "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари сув хўжалиги раҳбар ходимлари малакасини ошириш мақсадида минтақавий семинар бўлиб ўтмоқда.*

## МИРОБЛАР АНЖУМАНИ

Унда иштирокчилар сув хўжалиги борасидаги билимларини ошириб, амалий машғулотларда тажрибаларини бойитишмоқда.

Семинар давомида мироблар "Мамлакатимиз сув хўжалиги, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш муаммолари ва келгусидаги вазифалар", "Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш" каби мавзуларда маърузалар тинглашди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Тошкент Вилояти

ТАРАДДУД

# ҲАР ДОНА УРУҒДА ХИРМОН МУЖАССАМ

**Ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида деҳқонлар ҳақида сўз юритар экан шундай дейди: «Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур». Дарҳақиқат, деҳқончилик шундай шарафли ишдир. Айни пайтда унинг мураккабликлари ва ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Бу ишлар эса уруғ танлаш ва уни вақтида экишдан бошланади. Шу боис, деҳқонлар уруғнинг сараси – ҳосилнинг баракаси дейишади. Бу жараёнда деҳқонга мададкор бўладиган ташкилотлар ҳам борки, улар ана шу ҳосил мўллигини таъминлашга муносиб улуш қўшишади.**

Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам мана шу омилларга алоҳида эътибор бериб келаётганлиги туфайли сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик экинларининг барча турлари қатори пахтачиликда ҳам юксак муваффақиятларга эришмоқда. Ихтиёрларидаги экин майдонларининг ҳар гектаридан 40-45 центнердан юқори ҳосил олиб, "олтин фермер" мақомига эга бўлаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган йили бу рўйхатга қўшилган фермерлар сони яна ортди. Оққўрғон туманидаги "Саидаброр Султон Саид", Бўка туманидаги "Азизмуҳаммад", Қуйи Чирчиқ туманидаги "Асқар ўғли Музаффар", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Мирзакаримов Тешабой ота" ҳамда Бекобод туманидаги "Абдуқаҳҳор Файз Агро" сингари фермер хўжаликлари пахта далаларининг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олишди.

– Ёшим етмишдан ўтди. Ҳосилот ихтисосига эгаман, – дейди Чиноз туманидаги "Чиноз нури ҳикмат" фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулло ота Йўлдошев. – Меҳнат фаолиятимнинг эллик йили бевосита пахтачилик билан боғлиқ. Фермер хўжалигимиз ташкил этилгандан буён ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, олдимизга қўйилган режаларимизни зиёди билан уддалаб келяпмиз. Муваффақиятларимизнинг асосий омили вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси корхоналари томонидан тайёрлаб берилаётган сара уруғ билан боғлиқ эканлигини алоҳида эътироф этаман. Вилоят фермерлари жорий йилда ҳам мўл пахта ҳосили етиштиришни ўз олдиларига эзгу мақсад қилиб қўйганлар. Бунинг учун пахта тозалаш корхонлари томонидан уруғлик чигит етказиб бериш бўйича ҳозирданоқ намунали ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ҳудудий корхоналарда уруғчиликка ихтисослашган



*Тошкент вилояти "Пахтасаноат" АЖ раҳбарининг ўринбосари Ботир Носиров тайёрланаётган уруғлик чигит сифатини кўздан кечиряпти.*

фермер хўжаликларидан "С-6524", "Султон", "Ан-Боёвут-2", "Наманган-77", "Порлоқ-2", "Порлоқ-4", "Наврўз", "Андижон-36" ҳамда "Андижон-37" навлари бўйича жами 19324 тонна уруғлик пахта ҳосили қабул қилинган эди. Тайёрланган ушбу уруғлик пахта хомашёси навлар бўйича алоҳида ғарамларга ажратилиб, уларни сифатли сақлаш учун барча тадбирлар амалга оширилди. Айни кунларда 7 минг тонна уруғлик чигит тайёрлаш бўйича вилоят "Пахтасаноат" АЖга қарашли Оққўрғон туманидаги "Алимкент", Қуйи Чирчиқ туманидаги "Мустақиллик", Бекобод туманидаги "Далварзин", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тошкент сара уруғ" МЧЖ ҳамда Бўка туманидаги ихтисослаштирилган цехларда қизғин фаолият олиб борилмоқда.

"Алимкент" пахта тозалаш корхонаси қошида Испания технологияси асосида ташкил этилган уруғлик чигит таёрлашга ихтисослашган цех жамоаси 983 тонна маҳсулот тайёрлашни ўз зиммасига олган. Шу кунларда режа уддаланиш арафасида. Унумли меҳнат қилиш учун цеҳда барча шароитлар яратилган бўлиб, иш жараёни 3 навбатда узлуксиз ташкил этилган. Мутахассис ва ишчилар дам олиш, ювиниш, махсус кийимлар ҳамда иссиқ овқат билан таъминланганлар.

– Ушбу хорижий технологиянинг афзаллиги шундаки, – дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Икром Зоиров. – У бир вақтнинг ўзида чигитни туксизлантиради, элаб саралайди. Уруғнинг давлат стандартлари асосида бўлишини таъминлайди. Кунига 10 тоннагача сифатли уруғлик чигит тайёрланаётган жамоамизда Нурбулла Саидов, Мирзакарим Абдужалилов ҳамда Шерали Ҳасанбоевлар алоҳида фаоллик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Бўка туманидаги "Ҳамза" уруғлик чигитини дорилаш цехида ҳам барча ишлар тезкор амалга оширилмоқда. Туман пахта тозалаш корхонаси раҳбари ўринбосари Улуғбек Нишоновнинг таъкидлашича, айни вақтда кунига 50 тоннадан зиёд уруғлик чигит ғўза униб чиққунча учраши мумкин бўлган илдиз чириш ва "гаммоз" касалликларига қарши дориланмоқда. Барча жараёнлар "Давуруғназорат" ҳамда Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг мутахассислари кузатувида амалга оширилмоқда. Цех қошида ташкил этилган лаборатория ходимлари ҳар икки соатда уруғларнинг унувчанлигини таҳлил этиб боришмоқда. Ушбу жараёнда Баҳром Ҳусанбоев, Акмал Дўстмуродов ҳамда Гулбаҳор Қўлдошева сингари ишчи-хизматчилар намуна кўрсатишмоқда.

– Барча цехларимизда тайёрланиб дориланаётган уруғлик чигит маҳсулотлари махсус қопларга қадоқланган ҳолда туманлардаги фермерлар даласига яқин масофаларда ташкил этилган омборларга жўнатилмоқда, – дейди бизга ҳамроҳлик қилган вилоят "Пахтасаноат" АЖ раҳбари ўринбосари Ботир Носиров. – Эндиги жараёнда уруғлик чигит мутахассислар назоратида сифати ва унувчанлиги кафолатланган ҳолда экиш мавсумига қадар тиним даврини ўтайди.

Ҳадемай, бу уруғлар ерга тушади. Деҳқонлар айтганидек, бир уруғда юз хирмон мужассам. Бугунги ишлар эса ана шу хирмоннинг юксак бўлишига қўйилаётган пойдевордир.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



*"Бўкадавуруғназорат" маркази бошлиғи Анвар Султонов: "Энди уруғлик чигит бизнинг назоратимизда тиним даврини ўтайди".*



*Уруғлик чигит Испаниянинг "Юбус" технологияси асосида қадоқланмоқда.*

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

# Қўзи олишнинг ўзи бўлмайди

## БУНИНГ УЧУН ЧОРВАДОРЛАР ТЎЛ МАВСУМИГА ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИШИ ЛОЗИМ

**Чорвачиликнинг ҳар бир тури учун масъулиятли давр бўлади. Қўйчиликда, жумладан, республикамизда яхши ривожланган қоракўлчиликда шундай ўзига хос масъулиятли давр – тўл, яъни қўзилатиш мавсуми ҳисобланади. Уни муваффақиятли ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Тўл мавсумини талафотсиз ўтказиш учун, энг аввало, совлиқларни бўғозлик даврида етарли озиқлантиришга катта эътибор бериш лозим.**



Агар совлиқлар етарли миқдорда оқсил, витамин ва микроэлементларга бой озуқа билан озиқлантирилмаса, қўй ўз танаси ҳисобидан ҳомилани озиқлантиришга мажбур бўлади. Бундай ҳолатда совлиқлар ориқлайди, мадорсизланади, туғиладиган қўзи эса заиф бўлади. Бўғоз қўйларнинг озуқа рациони қисир қўйларникига нисбатан 1,4-1,5 баробар кўп бўлиши керак. Албатта, бериладиган озуқада энг зарур моддалар бўлиши, яъни кунлик озуқа бирлиги 0,9-0,95, ундаги ҳазм бўладиган оқсил (протеин) 60-70 гр., туз 8-10 гр., кальций 2,7-3 гр., фосфор 1,9-3,5 гр., каротин (витамин А) эса 10-12 мг. миқдорда бўлиши керак.

**Тўл мавсумининг муҳим томонларидан бири бу** – қўйларни сақлаш ва озиқлантириш қонун-қоидаларига эътибор беришдан иборатдир. Кўра ва қўзихоналар олдиндан таъмирланиб, қишловга ва тўлга тайёрлаб қўйилган бўлиши керак. Аммо тўл даври олдидан уларни яхшилаб тозалаб, оқлаб, дезинфекция қилиш зарур. Тўл олинадиган отарларда, усти ёпиқ кўра ва иссиқ қўзихоналар бўлиши шарт. Қўйларни озиқлантириш учун охурлар етарли бўлиб, қўйлар ем еганда бирбирини уриб-суриб, босмаслиги керак. Қўй-қўзиларни қишда совуқдан асраш — улар қор ва муз жойда ётмаслиги, далада қолган совуқ сувни ичирмаслик каби бир қарашда арзимас, аммо жуда муҳим томонларга ҳам эътибор бериш лозим.

Қўзилаш мавсумида ҳар бир отарда ветаптечкалар ташкил қилиб, уларни энг зарур, айниқса, қўйларда қўзилашдан кейин келиб чиқадиган асоратларни бартараф этиш учун барча дори-дармон ва асбоблар билан таъминлаш керак.

**Энг муҳим дори-дармонлар:** марганцовка, йод, спирт-денатурат, бинт, пахта, спринцовка ёки Эсмарх кружкаси, антибиотик ва сульфаниламид препаратлар, шприц-игна ва шунга ўхшашлардир. Кўп ҳолларда оддий, арзимас бир ҳолат рўй бериб қўй-қўзи нобуд бўлишига сабаб бўлади. Туғишдаги мураккабликлар ёки туғишдан кейинги нохуш ҳолатлар – қўзиларнинг ифлосланган киндиги орқали зарарланиши, метрит ва эндометрит касалликлари ўз вақтида даволанмаса, ҳайвонга керакли ва махсус ёрдам кўрсатилмаса натижа ёмон бўлиши мумкин. Аксинча, ветеринар мутахассислар, чўпончўлиқлар томонидан эътибор ва махсус ёрдам ўз вақтида, сифатли бўлса, қўй ҳам, қўзи ҳам яхши униб-ўсади.

**Энг муҳим тадбирлардан яна бири** – қўйларни, айниқса, қўзиларни колибактериоз, салмонеллёз, пастереллёз каби касалликлардан асраш. Совлиқларни туғишдан 1-1,5 ой олдин ёки туғилган қўзиларни 5-10 кунлигида бу касалликларга қарши эмлаш зарур.

Қўзилатиш мавсуми кўпинча қоракўлчилик хўжаликларида ўтказилиши шарт бўлган дегельминтизация, яъни мониезиоз, ошқозон-ичак стронгилятозлари, диктиокаулёз каби гельминтозларга қарши дори бериш вақти билан тугалланади. Айрим хўжалик мутахассислари бу тадбирни совлиқларнинг бўғозлик даврида январь-февраль ойларида ҳам ўтказаверадилар.

Албатта, дегельминтизацияга ҳам ижодий ёндашиш, уни сифатли ўтказиш катта аҳамиятга эга. Биринчидан, қўйчилик хўжаликларида кузги дегельминтизация, яъни октябрь-ноябрда тўлиқ ва самарали ўтказилса, қишнинг қоқ ўртасида, яъни январь-февраль ойларида бўғоз қўйларни безовта қилиб, ҳар хил нохуш ҳолатларга сабаб бўлувчи дегельминтизациянинг ҳожати бўлмайди ва уни режа асосида, қўзилатишни эсон-омон тугатиб, апрель-май ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо зарурият туғилганда, яъни қўйлар гельминтозлар билан жиддий зарарланиб қолган ҳолларда дегельминтизацияни кечиктирмай ўтказиш лозим.

Заҳарлилиги жуда паст, қўй ҳомиласига таъсир этмайдиган, безарар препаратлардан фойдаланиш ва дегельминтизацияни қўйларни безовта қилмасдан ўтказиладиган усуллар – уларнинг сони, ёши, семизлиги ва ҳолатига қараб гуруҳ-гуруҳ қилиб, антигельминтикларни емга қўшиб ёки сувга эритиб эркин едириш ёки эркин ичиришга асосланган "гуруҳли дегельминтизация" усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, тўлни талафотсиз, яхши ўтказиш учун ҳар бир чорвадору мутахассис бугундан пухта замин қўйиши зарур.

**А.ОРИПОВ,**
**ветеринария фанлари доктори.**

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015
## ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ
### ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

**Издано: 6 февраля 2015 г.**

**1.** Во исполнения «Постановления Президента Узбекистан №ПП-2282 «О программе по строительству индивидуального жилья по типовым проектам в сельской местности на 2015 год и основных параметрах строительства на 2016 год». Финансирование строительства будут осуществляться за счет средств ипотечного кредита АКИБ «Ипотека банк». Финансирование будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для нижеуказанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям действующих законодательств РУз.

**2.** Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по ниже указанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

**3.** Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующим адресам:

| Сурхандарьинская область |
|---|
| Адрес: г. Термиз, ул. А.Темур, 69. Телефон: (0-376) 222-44-76. Факс: (0-376) 222-44-73. |

**4.** В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык. Все разделы тендерной документации доступны также на узбекском языке, только для ознакомления. Все контракты будут заключены на русском языке.

**5.** Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Сурхандарьинская область |
|---|
